

Бу ҳадисда қариндошлар ёмонлик қилса ҳам, уларга яхшилик қилишни давом эттиравериш кераклигига урғу берилмоқда. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бирига – қариндошларининг ёмонликларидан шикоят қилиб келган кишига тасалли бериб, уларга яхшилик қилишда бардавом бўлишга чорламоқдалар. Агар у мазкур хайрли ишида давомли бўлса, унга осонлик яратилишини ваъда қилмоқдалар.

Аллоҳ таоло сенга доимий бир ёрдамчи туширади, яъни фаришталарни сенга нусрат, суянчиқ қилиб қўяди. Агар сен шу ишингда давом этсанг, яъни қариндошларинг яхшилик қилмаса ҳам, сен уларга силаи раҳм қилиб турсанг, улар ёмонлик қилса ҳам, сен яхшилик қилиб турсанг, улар жоҳиллик қилса ҳам, сен ҳалийм бўлиб, уларни кечириб турсанг, Аллоҳ субҳаанаҳу ва таоло сенга бир ёрдамчини бериб қўяди. Қилаётган яхшиликларинг туфайли у доим сенинг ёнингда бўлади, демоқдалар.

لَا يَصْرُحُ لَكَ لَوْلَا يُضَرِّفُ وَعَنْبِ نَمَّحَّرْ لَ دَبَّعْ نَع
تُقَقِّشْ أَوْ مَحَّرْ لَ تَقْلَحْ أَوْ نَمَّحَّرْ لَ أَنْ أَلْ لُقُيْ مَلَسْ وَهِيَ لَعْلَلْ
يَفِي رَاخُ بَلْ أَوْرُهُ تَتَبَّ أَعَطَقْ نَمَّ وَهُتَلَصَّ وَ أَلَصَّ وَ نَمَّ فِ، يَمْ سَا نِمَ أَلْ
بَدَّالْ

Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитган эканлар:

«Аллоҳ азза ва жалла:

«Мен Роҳманман. Раҳми Мен яратганман ва унга Ўз исмидан исм қўйганман. Ким уни боғласа, боғлайман. Ким уни кесса, кесаман», - деган».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Бу ҳадиси қудсийда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошлик алоқаларини боғлаш ва кесиш оқибатлари ҳақида Аллоҳ таоло айтган сўзларни баён қилиб бермоқдалар.

Аллоҳ таоло раҳми Ўзи яратганини таъкидламоқда. Демак, қариндошлик алоқалари ана шу қудсият асосида бўлиши лозим.

Иккинчидан, Аллоҳ таоло раҳмининг исмини Ўз исмидан олганига алоҳида урғу бермоқда. Аллоҳ таолонинг Роҳман, Роҳийм исмлари ва «раҳм» сўзи бир ўзакдан эканини эслатмоқда. «Ким уни боғласа, яъни силаи раҳм

عَلَّصِيَّ بِنِّ لَّ اِنَّ عُلُّوْقِيَّ عُنَّ عُلُّوْلَّ اِيَّضَرَّ عَفْوًا يَبَّ اِنَّبَّ لَّ اِنَّ دَبَّ عُنَّ
مَحْرُطًا قُمْ مَهِيَّ فِ مَوْقِ عِلَّ لَزْنَتِ اَلْ عَمَّ حُرَّ رَلَّ اِنَّ اِقَّ مَّ لَسَّ وَّ هَلَّ عُلُّوْلَّ
بَدَّ اَلَّ اِيَّ فِ رَاخُ بُلَّ اَوَّرَ

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, ичида қариндошлик алоқасини узувчи бор қавмга раҳмат тушмайди», - дедилар».

Бухорий «Адаб»да ривоят қилган.

Бир одамнинг сабабидан бошқалар ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин.

Масалан, беш-олтита ака-ука, опа-сингиллардан фақат биттаси, нима баҳона ёки сабаб бўлишидан қатъи назар, силаи раҳмни узиб юрган бўлса, қолган барчалари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин. Аслида, силаи раҳмни узишга ҳеч бир нарса сабаб, баҳона бўла олмайди. Кимдир мерос талашиб ёки бошқа сабаб билан акасининг ёки укасининг ёхуд опа-сингилсининг ҳаққига хиёнат қилган бўлса, кўнглига оғир ботади гап айтган бўлса ёки жоҳиллик қилиб, яқинлари билан муштлашган бўлса ҳам, охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жавобини ўзи беради. Агар у бу дунёда қилган гуноҳлари учун тавба қилиб, уларни такрорламаса, солиҳ амаллар қилиб, истиғфор айтиб юрса ва энг асосийси, силаи раҳм қилишда давом этса, Аллоҳ таолонинг раҳматидан ҳар қанча умид қилса, ҳақли бўлади. Чунки Аллоҳ таолонинг ўзи: «Ким уни боғласа, боғлайман» деб, силаи раҳм қилувчи бандасини ўзига яқин олишини айтган ва унга кўп яхшиликлар ваъда қилган.

Аммо, юқорида айтилган сабаблар билан бўлса ҳам, силаи раҳмни узиб юрган кимса охиратда, Аллоҳ таолонинг ҳузурида жуда оғир аҳволга тушиб қолади. Чунки унинг биронта ҳам яхши амали қабул бўлмайди. Барча қилган яхшиликлари, ҳаттоки, Ҳаж ва умра қилган бўлса, уларнинг ҳам савоби бекор бўлади. Энг оғири, энг фожиалиси шуки, бундай банда Аллоҳ таолонинг раҳматидан буткул бенасиб бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло «Ким уни кесса, кесаман» деб, аниқ қилиб айтиб қўйган. Лекин энг ёмон тарафи шундаки, бундай кимсанинг касри уриб, унинг барча яқинлари, қавму қариндошлари ва маҳалладошлари ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳар бир жамоа, ҳар бир қавм доим бир-бирларидан хабардор бўлиб, ичимизда шундайлар пайдо бўлиб қолмасин, ҳаммамиз унинг сабабидан балога қолмайлик, деб, бир-бирларини ўзаро силаи раҳмга ундаб туришлари керак. Силаи раъми узмасликка мустаҳкамлик билан тарғиб қилиб, ундай қилма, бу иш яхши эмас, сен сабаб бўлиб, биз ҳам Аллоҳ таолонинг раҳматидан маҳрум бўлиб қоламиз, деб насиҳат қилиш билан бирга, қаттиқ талаб ҳам қилишлари лозим.

«Бахтиёр оила» китобидан